Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 94 (5385).
24 АПРЕЛЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йил биринчи квартали плани бажарилиш якунларини ҳамда партия, совет, хўжалик органларининг биринчи ярим йиллик планни бажариш соҳасидаги ва меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча равишда камайтириш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни турмушга татбиқ этиш борасида ташкилотчилик ишини кучайтириш соҳасидаги вазифаларини кўриб чиқди. Биринчи кварталда кўпчилик кўрсаткичлар юзасидан белгиланган планлар бажарилди, ҳар суткада ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти ўрта ҳисобда 3 миллион сўмлик миқдорда кўпайди ва квартал планидан ташқари салкам 100 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Гўшт, тухум харид қилиш плани ошириб бажарилди.

Шу билан бирга айрим раҳбарлар ўз ишларини КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь, 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг талаблари асосида қайта қурганлари йўқ. Навоий областининг саноати, Балиқ хўжалиги давлат комитети, минерал ўғит ишлаб чиқариш корхоналари квартал планини бажармади. Енгил, озиқ-овқат, гўшт-сут, мебель саноати тармоқларида, бинокорлик материаллари саноатида қолоқ завод ва фабрикалар кўп. Тўқимачилик комбинатлари ва улардаги филиалларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Натижада саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари йиллик планда белгиланган 5,4 процент ва республика социалистик мажбуриятларида белгиланган 6 процент ўрнига биринчи кварталда 4,2 процентни ташкил қилди (ҳолбуки, январь ойида ўсиш 6 процентга етган эди). Кўпчилик министрлик ва идоралар ҳамон маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган шартнома мажбуриятларини бажармаяпти. Қурувчилар асосий фондларни ишга тушириш планини бажармадилар. Зилзиладан шикастланган районлардаги ремонт-қайта тиклаш ишлари суст олиб борилмоқда. Кўкламги дала ишларини ўтказишда, чорва ва парранда, сут, тухум тайёрлашдаги қолоқлик уқтириб ўтилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси область партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, область, ижроия комитетлари зиммасига халқ хўжалиги тармоқлари ишидаги камчиликларни тугатиш, йўл қўйилган қолоқликни иккинчи кварталда етказиб олиш, барча бирлашмалар, корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг бир маромда барқарор ишлашини таъминлаш, саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатларини ошириб, республиканинг Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлиги 60 йиллигини нишонлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришига имконият яратишга эришиш вазифасини юклади.

Республика агросаноат комплексидаги социалистик мулкнинг муҳофаза қилинишини янада кучайтириш юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлаб чиққан тадбирлар муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Партия комитетларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига, касаба союз ва комсомол органларига тегишли кўрсатмалар берилди. Қабул этилган тадбирларни бажаришда бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, меҳнат коллективлари, халқ контроли комитетлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, оммавий ахборот воситалари жуда актив қатнашиши кераклиги таъкидланди.

Республика шаҳарларининг марказий қисмини қуриш ва реконструкция қилиш пайтида пишиқ уй-жой фондини асоссиз равишда бузиб юбориш фактлари муҳокама қилинди. Марғилон, Урганч, Советободда, Калинин райони марказида, бошқа шаҳарларда шундай фактлар содир бўлган. Ўзбекистон ССР Госстройига ва Қурилиш банкининг республика конторасига уй-жой фондини бузишнинг белгиланган тартибига қатъий риоя этиш, аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш устидан назоратни кучайтириш зарурлиги кўрсатилди.

Бюро партия ва хўжалик қурилишининг бошқа баъзи масалаларини ҳам кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

ЗАФАРЛАРИМИЗ—БИРИНЧИ МАЙГА!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш планини ошириб бажариш учун сабот билан курашингиз! (КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).



«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тўқувчилар КПСС аъзоларн — М. Қодирова, М. Хатамова, И. Турсуновалардан ҳамма яхши билади. Улар смена топшириқларини ҳар кун 20—30 процент ортиғи билан адо этишади. 1 Май зарбдор вахтасида турган ана шу ишлаб чиқариш илғорлари апрель ойи топшириғини муддатидан илгарк адо этишга аҳд қилишди.

СУРАТДА: тўқувчилар М. Қодирова, М. Хатамова, И. Турсунова.

М. Нуриддинов фотоси.

ҲАМКОР ВА ҲАМНАФАС

Шарқимиздаги «Подъемник» заводи ишчилари Жиззах областидаги Зомин районн чорвачилик ва пахтачилик хўжаликларига мунтазам ота-она ёрдами кўрсатиб келмоқдалар.

Ўтган йилги баҳорги экин мавсумида слесарлар Валентин Хаврин, Алексей Комилжонов ва Василий Макеевлар тракторлар, галла ўрадиган комбайнлар ҳамда техника агрегатлари ремонтига мўлжалланган кўчма устахона билан отаклардаги хўжаликда фидокорлик кўрсатишганлар. Корхона мутахассислари дала ишларида ҳам деҳқонларга яқиндан мадад бўлиб, қишлоқ хўжалиги машиналари паркини бўйича қатор ишларни амалга оширдилар.

Пахта йиғим-терими мавсуми бошланганда эса корхона ишчилари ҳам тузилган бригадалар таркибидаги хўжаликларга бориб, «оқ олтин»ни белгиланган граммигача теришда ҳам ибрат кўрсатишди.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам машинасозлар дала ишларида фаол иштирок этишга аҳд қилишган.

Н. КОЗИНСКИЙ.

БЮРТМА БАЖАРИЛМОҚДА

БУГУН

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган электр жиҳозларининг 2000 донаси Монголия Халқ Республикасига жўнатилди. Корхона биринчи кварталда давомида Эфиопия ҳамда Болгария синган мамлакатларга 6000 донага яқин турли хил зарур электр жиҳозлари етказиб берди.

Айни пайтда бу ерда Куба республикаси учун маҳсулотнинг катта партиясини қўнатишга тайёргарлик кўрилмоқда.

• Техника тараққиёти йўлида

«КОМПРЕССОР»НИНГ ИШИ ЧАҚҚОН

Ватанимизда ишлаб чиқарилган биринчи роторли компрессорлар Тошкентдан Москва, Қозон, Хабаровск ва бошқа шаҳарлардаги нон комбинатларига жўнатилди. Шу машиналар ёрдамида ўша жойларда ун пневмотранспорти ташкил этилади: роторли компрессор ҳосил қиладиган қисилган ҳаво «қуруқ» бўлиб, унда сурков мой бўлмайди.

— Бунга сабаб шуки, янги машинанинг иш органи мойлашга мухтож эмас, чунки унда ишқаланадиган деталларнинг ўзи йўқ, — дейди «Компрессор» заводининг бош конструктори А. Ванин, — эгри чизиқли икки ротор бир-бирига қарама-қарши айланади. Шулар ўртасида кичрайиб борадиган қисилиш камералари ҳосил бўлади. Ҳаво бир камерадан иккинчи камерага ўтиб 2,5 атмосфера босим олади. Компрессор бир минутда 12 куб метр қисилган ҳаво беради.

Қисилган ҳавонинг софлиги — роторли компрессорнинг биргина фазилатимас. Шу билан бирга унинг тежамкорлиги ҳам катта. Ишқаланиш жуда оз бўлганлиги туфайли бу машинанинг механик фойдали иш коэффициенти 98 процентга баравар. Бу рақам аввалги моделга нисбатан бир ярим баравар юқори. Иш ресурси эса беш баравар кўп — 60 соатга боради. Компрессор автомат режимда ишлайди, иш чоғида киши хизматига муҳтож эмас ва олисдан туриб бошқарилади.

Серунум машина ҳам биз тамомила фақат роторли компрессорлар ишлаб чиқаришга ўтиш ниятидамиз, — деди завод директори Н. С. Новаченко.

Завод меҳнат унумдорлигининг ўсиши жиҳатидан беш йиллик марраларига эришиб бўлди. «Компрессор» 1983 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларига кўра, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Ҳозир корхона реконструкция қилинмоқда, техника жиҳатдан қайта қуроллантирилмоқда.

В. ЧЕРНОМОРСКИЙ, ЎзТАГ мухбири.

Куч-ғайратни бирлаштириб

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида чигит экадиган универсал сеялкаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тошкент шаҳридаги бир қанча машинасозлик корхоналарининг куч-ғайратларини бирлаштириш янги машиналарни ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга ёрдам берди. Шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан тузилган ишлаб-техника тараққиётига кўмаклашувчи бошчилик қилди. Кенгаш составига партия ташкилотларининг секретарлари, олимлар, мутахассислар кирди.

Кенгаш аъзолари сеялка деталларини ишлаб чиқариш учун асбоб-ускунал а р н и муддатидан илгари тайёрлаш учун корхоналарнинг коллективлари ўртасида социалистик мусобақани уюштириш шартларини ишлаб чиқдилар. Бу чора заводларни кооперациялашни яхшилаш имконини берди. Агитаторлар машинасозлар ўртасида такомиллаштирилган сеялка пахта етиштиришни кўпайтиришда ўйнаши мумкин бўлган муҳим роль тўғрисида суҳбатлар ўтказдилар. Кенгашнинг тавсиясига мувофиқ ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналарнинг ўз вақтида ва сифатли чиқарилишига риоя этилиши устидан контроллик қилишни партия группаларн ўз зиммасига олди. Бундай партия группалари «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Мнконд», агрегат заводлари ва бошқа корхоналарнинг асбобсозлик цехларида ишлаб турибди. Бу партия группалари бригадалар ўртасида меҳнат мусобақасининг ошкора бўлиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилдилар. Энг тажрибали, ташаббускор коммунистлар «Ўзбексельмаш» бирлашмаси цехларини реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш билан шуғулланаётган коллективлар ҳузурига юборилди.

Меҳнат коллективларининг бригаликдаги куч-ғайрати нисбатан қисқа вақт ичида бир неча юзта асбоб-ускуна ва мослама тайёрлаш имконини берди. Ишғун ва осма конвейерларни қисқа муддатда монтаж қилишга, агрегат станоклар участкасини барпо этишга эришилди.

«Ўзбексельмаш» бирлашмасининг машинаускуналар ортиладиган майдончасидан кўкламги экиш ишлари бошлангунга қадар республиканинг пахтакор хўжаликларига ва бошқа пахтакор республикаларга дастлабки ўнлаб универсал сеялкалар жўнатилди. Бундай сеялкалар чигитни кенг қатор ораларига ҳам, тор қатор ораларига ҳам экиш, механизаторларга махсус асбоблар ёрдамида чигит экиш нормасини, унинг чуқурлигини бевосита трактор кабинасидан туриб тартибга солиш имконини беради.

(ЎзТАГ).

Шарҳчи сатрлари

НИКАРАГУАГА ҚАРШИ БОСҚИНЧИЛИК

Кейинги вақтда бутун жаҳон АҚШнинг Никарагуага қарши янгидан-янги босқинчилик ҳаракатларининг гувоҳи бўлди. Кўшма Штатлар, уларнинг ўзлари эътироф этишича, Никарагуа портлари яқинидаги сувларга 600 тадан кўпроқ жанговар кўйганлар. Марказий разведка бошқармасининг Никарагуа портларини минаташтириш тўғрисидаги қарорни шахсан АҚШ президенти Р. Рейган томонидан маъқулланган. Турли мамлакатларнинг бир қанча кемалари миналарга дуч келди, бунинг натижасида қурбон бўлганлар бор. Айни вақтда АҚШ Марказий разведка бошқармасига ёлланган каллакесарларнинг Гондурас ва Коста-Рика орқали Никарагуа территориясига бостириб киришини мувофиқлаштириб олган. Вашингтоннинг Никарагуага нисбатан қилаётган бундай қўпол ҳаракатлари муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилмоқда, албатта. Вашингтондагилар сандиночилар революциясини қамал ёрдамида исканжага олиб, Никарагуанинг қонуний ҳукуматини ағдариб ташлашга ва айни вақтда Лотин Америкасидаги, шунингдек ер куррасининг бошқа районларидаги озодлик ҳаракатларига «сабоқ бериб қўйишга» уринмоқдалар.

Бироқ Рейган маъмурияти босқинчилик ҳаракатларининг шармандаси чиқмоқда. Бу ҳаракатлар бутун дунёда қаҳр-ғазаб уйғотмоқда. Ғарбий Европадаги кўпгина мамлакатлар пойтахтларида, Лотин Америкасида, Канада ва бошқа мамлакатларда кичкинагина суверен давлатга нисбатан Американинг қароқчилик ҳаракатларидан ташвишланаётганликларини билдирмоқдалар.

Вашингтон маъмуриятининг халқаро босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириш, бошқа суверен давлатлардаги ўзига ёқмаётган режимларни куч билан ағдариб ташлаш ҳуқуқига эга бўлиб олиш йўлидаги беҳуда уринишлари Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам жамоатчиликнинг кескин қаршилигига дуч келмоқда. АҚШ конгрессининг иккала палатаси резолюция қабул қилиб, Марказий разведка бошқармаси агентлари Никарагуа портларини миналаётганлигини қоралади. Вакиллар палатасида маъмурият Никарагуага қарши маҳфий уруш бошлаганлиги муносабати билан президент Рейганнинг АҚШ конституциясини бузганлиги тўғрисидаги масалани текшириб кўриш кун тартибига қўйилади. Америка жамоатчилиги Америка ҳукумати мамлакатни Марказий Америкадаги қуролли можарога тобора кўпроқ тортаётганлигидан жиддий ташвишланмоқда. АҚШда Марказий разведка бошқармасининг Никарагуага қарши қилаётган ҳозирги кўпорувчилик ҳаракатларини 1961 йилда шармандаси чиқан Кубадаги Плая-Хиронга бостириб кириш операциялари билан қиёсламоқдалар. Маълумки бу операция шармандали тугаган эди.

Никарагуа халқи Рейган маъмурияти бошлаган агрессия олдида революцияни, ўзининг яшаш ҳуқуқи, озодлиги ва мустақиллигини қатъий ҳимоя қилмоқда. Сандиночилар халқ армиясининг қисмлари мамлакатга бостириб кирган аксилинқилобчи гуруҳларни тор-мор келтирдилар. Айни вақтда Никарагуа ҳукумати Гаагадаги халқаро суд олдига АҚШ Никарагуа халқига нисбатан кенг кўламда қўпорувчилик ва босқинчиликни авж олдириб юборганлиги муносабати билан шу мамлакат устидан жиноий иш қўзғаш масаласини қўйди.

АҚШ халқаро ҳуқуқ нормаларини беандишалик билан оёқ ости қилиб, Никарагуага қарши ўз душманчилик муддаоларидан қайтмаётир. Президент Рейган АҚШ Марказий Америкада миллий озодлик ҳаракатларининг муваффақиятларини «лоқайдлик билан кузатиб тура олмаслигини» безбетлик билан таъкидлади. Бироқ жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги мададига таянаётган Никарагуа халқи Вашингтоннинг ана шу жиноий режаларини барбод этишга қатъий бел боғлагандир.

И. АБЛАМОВ, ТАСС шарҳчиси.

=тонгги газеталарда=

● КПСС Марказий Комитети «Коммунист» журналининг редакцион коллегиясини, барча ходимларини, авторлар активини ва журналхонларни журналнинг биринчи сони босмадан чиққан куннинг 60 йиллиги билан самимий табриклайди.

● Космик ой, Гагарин ойи — апрель Ер атрофи орбиталаридаги ёркин воқеа билан нишонланди. «Салют-7» орбитал станциясидаги Совет-Ҳиндистон экспедицияси—совет кемалари ва станциясида ўтказилган ўн биринчи халқаро экспедиция муваффақиятли равишда ниҳоясига етди. 23 апрель куни СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференцияси шу экспедиция якунларига бағишланди.

● Учишни бошқариш маркази хабар беради: «Салют-7» —«Союз Т-11 — —«Прогресс-20» орбитал комплексининг экипажи учишнинг планлаштирган программасини бажаришни давом эттирмоқда.

Кеча космонавтлар Леонид Кизим билан Владимир Соловьев очиқ космосга чиқиб, бундан кейин станция ташқарисида планлаштирилаётган ишлар учун тайёргарлик операцияларини бажардилар.

2. Бригадир ибрати


ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

Репортаж

Тоннелдан чиқиб бораётган дрезинани комплекслашган бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, Ленин ордени кавалери Иван Степанович Лисий кутиб олди. Бу киши «Ойбек» станциясини бошидан охиригача бунёд этди, худди ана шу киши бошқараётган коллектив қатор йиллар мобайнида юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичига эришмоқда.

Станциянинг ичи бутунлай тайёр. Мармар колонналар чиройли ғилофланган, полга қимпиқ тўшалган, бўғотни суваш ва пардозлаш чиқариш, чиқиш йўлларини, ҳавони мўътадиллаш ускуналарини монтаж этиш қолган холос. И. С. Лисий бошлиқ бригада шу йилнинг бошида тўққиз ойлик режани бажариб, 71-ўрта мактабда ўқувчиларнинг касб танлаш ойлиги ниҳоясига етди. Меҳнат, политехника таълими йўлга қўйилган бу мактабда ўқувчилар кўпгина касблар билан атрофлича танишди-лар. Бутун мактаб ўқувчилари иштирок этган «Меҳнат байрами»да тўртинчидан ўнинчи синфгача бўлган ўқувчилар 24 хил касб билан қизиқиб танишдилар.

Ойлик мактабдаги ота-оналар учун педагогика билимлари университетида суҳбатлар ўтказиш билан тугади. Унда мактаб педагоглари, «Билим» жамияти лектори, педагогика фанлари кандидати В. Мазуров, 95, 4, 14, 155-ҳунар-техника билим юртлари ўқитувчилари А. Йўлдошев, М. Ҳакимов, М. Иванова, Г. Исмоилова, В. Саблин ва бошқаларнинг касб танлашга доир қизиқарли суҳбатлари эътибор билан тингланди. Ойлик давомида ўқувчилар райондаги турли саноат корхоналарида бўлиб, келгусидаги иш жойлари билан яқиндан танишдилар.



КАСБ ТАНЛАШ ОЙЛИГИ

Қуйбишев районидаги 71-ўрта мактабда ўқувчиларнинг касб танлаш ойлиги ниҳоясига етди. Меҳнат, политехника таълими йўлга қўйилган бу мактабда ўқувчилар кўпгина касблар билан атрофлича танишди-лар. Бутун мактаб ўқувчилари иштирок этган «Меҳнат байрами»да тўртинчидан ўнинчи синфгача бўлган ўқувчилар 24 хил касб билан қизиқиб танишдилар.

Ойлик мактабдаги ота-оналар учун педагогика билимлари университетида суҳбатлар ўтказиш билан тугади. Унда мактаб педагоглари, «Билим» жамияти лектори, педагогика фанлари кандидати В. Мазуров, 95, 4, 14, 155-ҳунар-техника билим юртлари ўқитувчилари А. Йўлдошев, М. Ҳакимов, М. Иванова, Г. Исмоилова, В. Саблин ва бошқаларнинг касб танлашга доир қизиқарли суҳбатлари эътибор билан тингланди. Ойлик давомида ўқувчилар райондаги турли саноат корхоналарида бўлиб, келгусидаги иш жойлари билан яқиндан танишдилар.

«Пергамон Пресс»— Тошкент меҳмони

БУГУН

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг кўргазмалар залида Буюк Британиянинг «Пергамон Пресс» нашриёти илмий-техника адабиётларининг виставкаси очилди.

Стендларга ана шу нашриётда чоп этилган ва математика, химия, биология, энергетика, физика, экономика, техника, қишлоқ хўжалиги, шаҳарни планлаштиришга оид 300 га яқин китоб қўйилган. Кўргазмадан шунингдек география ва атроф-муҳит муҳофазасига доир китоблар ҳам ўрин олган. Томошабинлар шахмат санъати ҳақидаги турли нашрлар билан танишишлари мумкин. Машинасозлик ва компьютер техникаси, ахборот техникаси проблемалари бўйича янги адабиётлар кенг ўрин олган.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар виставкада алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ерда сўнгги вақтларда «Пергамон Пресс» нашриётида инглиз тилида чиқарилган К. У. Черчен. коннинг танланган нутқлари ва мақолалари китоби. КПСС ва Совет давлати бошқа раҳбарларининг асарлари билан танишиш мумкин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Қорақамиш 2/1 массивида 9 қаватли янги уй-жой биноси белгиланган муддатдан икки ой илгари фойдаланишга топширилди. Бу ерда қирқ беш оила шинам жиҳозланган квартираларни олди. Бу уйни «Главташкентстрой» нинг 4-уйсозлик комбинати коллективи бунёд этди.

●

Республика Киночилар уйида Ёшларнинг халқаро бирдамлик куни муносабати билан Тошкент олий ўқув юртларида таҳсил олаётган чет эллик студент-ёшлар билан учрашув бўлади. Учрашув охирида ҳужжатли фильмлар катта кинопанорамаси намойиш этилади.

●

Октябрь районидаги 19-ўрта мактабда композиторлар С. Варелас ва Э. Калантаровлар билан бўладиган ижодий учрашув Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланади.

●

Бутуниттифоқ «Гидроспецстрой» бирлашмасининг бўлимлари раҳбарли кенгаши бўлиб ўтди. Унда гидротехника иншоотларини бунёд этишда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалалари кўриб чиқилди.

●

Ҳамза номли Санъатшунослик институтида Ўзбекистон ССР театр жамияти ташаббуси билан республика театрлари режиссёрлари иштирокида бўлиб ўтган ижодий семинар ўтган йили яратилган саҳна асарларн муҳокамасига бағишланди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 17 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб турса-да, деярли ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 17—19, кундузи 25—27 даража иссиқ бўлади.

● СЎНГГИ СОАТДА

ЕР ОСТИ СИЛКИНИШЛАРИ

24 апрель куни маҳаллий вақт билан соат 4 дан 27 минут ўтганда Тошкентда 2 балл куч билан ер силкинганлиги қайд этилди. Зилзила Тошкентдан 520 километр олисда, жанубда, Афғонистоннинг Ҳиндикуш тоғларида юз берган.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ ҚОШИДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИҚ СОВЕТИ.

ВЕТЕРАН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИҚ СОВЕТИНИНГ РАИСИ — УЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ ХОСИЯТ ЁҚУБОВНА ЁҚУБЖОНОВА

№ 4 (17)

Анъанага садоқат

Коллективда қолишади

Кенг хона баҳор қуёшининг ёркин нурларидан мунаввар. Столга гуллар қўйилган. Бу гуллар бугун пенсия гувоҳномасини оладиган кишиларга аталган. Уларни иззат-икром билан кутиб олишади. Ҳа, «Узбексельмаш» заводида меҳнат ветеранларига эътибор билан муносабатда бўлишади. Мана, ўнинчи цехда ишловчи бўёқчи Р. Засипалова ва силлиқловчи М. Саидгалиев ўтиришибди. Улар шу коллективда 1961 йилдан бери ишлашяпти. Улардан нарироқда 3-цехдан штамповкачи Е. Ходеева ўтирибди. У заводда 27 йилдан бери ишлаяпти.

Бугун заводга Киров район Совети ижроия комитетининг пенсиялар белгилаш бўйича комиссияси келган. Район социал таъминот бўлими мудири С. Финкельштейн ишлаб чиқаришда ишлаётган пенсионерларга берилган ҳуқуқлар тўғрисида гапириб берди.

Тантанали вазиятда пенсия гувоҳномалари, фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари топширилади. 4-цех бўёқчиси З. Мусаева ва уй-жой коммунал бўлимида фаррош бўлиб ишловчи Н. Мирзаеванинг қўлларида ҳозиргина олинган ҳужжатлар. Улар ҳаяжонланишяпти.

— Биз комиссиянинг ишидан мамнунмиз, — дейди 25-цехда электр монтажчи бўлиб ишловчи Х. Галимов. — Бизнинг пенсиямизни тезликда расмийлаштириб беришди.

Ветеранлар заводдан кетмоқчи эмаслар. Уларнинг ҳаммаси меҳнат фаолиятини давом эттириш ниятида.

— Сиз заводимизнинг юксалишига муносиб ҳиссангизни қўшгансиз. Коллективимиз сиз билан фахрланади, — деди касаба союз комитети раиси П. Писоцкий. — Сизнинг ишчилар сафида қолаётганлигингиз бизни қувонтиради.

О. КАЛИНИНА,
завод радиогазетаси редактори.

ТРАНСПОРТДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМТИЁЗЛА

ХАТЛАРНИ МИНИСТР ШАРҲЛАЙ

Маршрутли автобусларда бепул юриш бўйича шахсий пенсионерларга белгиланган тартиб тўғрисида маълумот беришингизни сўрайман.

Т. ҚОРАЕВ.

Бизни Улуғ Ватан урушининг биринчи группа инвалидлари, уруш қатнашчилари ва шаҳарлараро транспортдан фойдаланишда берилган имтиёзлар қизиқтиради.

КИЙКО, Магомедов.

Т. Қораев, Магомедов ва Кийконинг хатларини Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министри А. П. ГАВРИЛОВ шарҳлайди:

— Ўзбекистон ССР Автотранспорт министрлиги иттифоқ, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик шахсий пенсионерларнинг маршрутли автобусларда бепул юриши тартибини тушунтириш бўйича масалани кўриб чиқди.

Амалдаги тартибга мувофиқ, иттифоқ, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик шахсий пенсионерларга турар жойларидаги шаҳар транспортидан (трамвай, автобус, троллейбус, метрополитен, қишлоқ жойларда — район ички линияларидаги автобуслар) бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Республиканинг бошқа шаҳарлари ва районлари бўйлаб бепул юриш бу қарорда кўзда тутилмаган.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва инвалидларига пассажир автотранспортидан фойдаланишда қуйидаги имтиёзлар берилади:

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига темир йўл транспортида (бориш ва келиш), темир йўл транспорти йўқ районларда сув, ҳаво ёки шаҳарлараро автомобиль транспортида юрганлик учун бир йилда бир марта йўл ҳақининг 50 процентини скидка қилинади;

Улуғ Ватан урушининг барча группадаги инвалидларига шаҳар атрофига қатновчи темир йўл, сув транспортида ва шаҳар атрофига қатновчи автобусларда бепул юриш ҳуқуқи берилган.

Бир йилда бир марта темир йўл транспортида (бориш ва келиш), темир йўл транспорти йўқ районларда сув, ҳаво ёки шаҳарлараро автомобиль транспортида юрганлик учун 50 процентини скидка қилинади.

Улуғ Ватан урушининг барча группадаги инвалидларига шаҳарлараро поездларда юрганлик учун ҳар йили 1 сентябрдан 15 майгача йўл ҳақининг 50 процентини скидка қилинади.

Улуғ Ватан урушининг барча группадаги инвалидларига шаҳар атрофига қатновчи темир йўл, сув транспортида ва шаҳар атрофига қатновчи автобусларда бепул юриш ҳуқуқи берилган.

● *Олдинги сафда бораётганлар*

ҚЎЛИ ГУЛ УСТА

Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводида одатдаги иш куни бошланди. Ишчилар ҳазил-мутойиба қилишиб, суҳбатлашиб корхонага кириб келмоқдалар. Улар орасида шу корхонада ўн йилдан ишлаган ветеранлар ҳам бор, иш стажини эндигина бошлаганлар ҳам бор. Завод ветеранлари орасида асбобсозлик цехининг мастери, коммунист Иван Иванович Алёшин ҳам бор. Ўрта бўйли, сочлари оппоқ бу кишининг қадами чаққон. Аммо шошмай суҳбатлашади. Гўё ҳар бир сўзни тарозига солаётгандай.

...Алёшин цехга кирди. Токарлик, фрезерлик, пармалаш дастгоҳларини ишга тушиб кетди. Мастер ишчиларни жой-жойига қўйиб, зарур материал ва асбоб-ускуналар билан таъминлади.

Иван Алёшин қишлоқда катта бўлган. Меҳнатга ҳам ўша ерда ўрганган. У жуда эрта уйғонар, онаси буюрган ишларни бажонидил қиларди. Алёшинлар оиласи Пенза областидаги Сосновка қишлоғида яшарди. Отасининг топиш-тутиши ўрта, оилада гоҳи-гоҳида етишмовчиликлар бўлиб турарди.

Коллективлаштириш йилларида Алёшинлар оиласи биринчилар қаторида колхозга кирди. Хўжалик ўзининг машиналарига эга бўлди. 15 ёшли Ванюша «пўлат отни» ўз кўзи билан кўрди. Шундан буён у техникага қизиқиб қолди. Катта кишилар ўртасидаги суҳбатдан шуни билиб олдики, Ўрта Осиё темир йўл устахонасида (ҳозирги Октябрь революцияси номли заводда) унинг тоғаси Герасим Захарович Пегов ишлайди, тепловозларни ремонт қилади. Акаси Дмитрий узоқ Тошкентга, тоғасиникига жўнади. Ваня ҳам унинг ортидан йўлга тушди. Бу 1936 йилда бўлган эди.

Иван Алёшин Тошкентдаги бош устахонага келганида аввалги ишчи эди. Яъни, унга ҳар хил ишларни буюришар, нарсалар ташиш билан банд бўлар эди. Иш соати саккизгача бўлса ҳам Иван цехда соат саккиздан кейин ҳам қолар эди. Чунки тажрибали ишчи Виктор Христофоров қишлоқдан келган бу йигитга токарлик касбини ўргата бошлаган эди. У ўз тажрибаларини эринмай ўргатар, бор билимини беришга ҳаракат қиларди. Ҳа, совет турмуш тарзи мана шундай.

— Гоҳида бутун билим ва тажрибани ўзим билан олиб кетаманми, деб ташвишга тушардим, — дерди Виктор Христофоров. —Шогирдимни кўрдим-у қувончимга қувонч қўшилди. Шогирдлар камолини кўришдан ортиқроқ севинч бўладими!

Христофоров Ваня Алёшинга фақат токарлик касбинигина ўргатиб қолганй йўқ.

— Энг муҳими, —дерди унга моҳир токарь,— иш сенн чарчатиб қўймасин. Ҳар куни цехга қувонч ва яхши кайфият-да келиш керак. Шунда қўлингдан сифатли буюмлар чиқади. Шуни яхши биламанки, агар ўз ишингга меҳр қўймасанг, ундан ҳеч нарса чиқмайди. Ваня, сен бир нарсани қулоғингга қуйиб ол. Бизнинг ишимиз олифталарнинг иши эмас. Металлга ишлов бериш оддий иш эмас. Жуда нозик иш. Астойдил ишлашни талаб этади. Шунинг учун виждонан ёндошиб, ғайрат кўрсатиб ишла, мен эса сенга ёрдам беришга тайёрман.

Иван Алёшин мураббийининг шу сўзларини бир умр эсда сақлаб қолди. Бир неча ойдан сўнг токарлик дастгоҳига ўтиб ишлай бошлади, фрезерлик ва бошқа дастгоҳларда ишлашни ўрганди. Ёш Алёшининг қаётида энди қизғин дамлар бошланди. Оила қурди. Билим олишни орзу қиларди. Лекин тўсатдан уруш бошланиб қолди. Алёшин Подмосковье ўқчи полкида хизмат қилди. Даҳшатли жанглар бошланиб кетди. Кейинчалик уни миномёт бўлинмасига ўтказишди. Ёш жангчи мардона курашди, ярадор бўлди. Госпиталда даволаниб, яна Ржев остоналарида жанг қилаётган ўзининг миномёт бўлинмасига борди. Фронтда у она-Ватан шарафини чуқур тушунди. Душман ёмғирдай ўқ ёғдирар, бошни кўтариб бўлмасди. Лекин бутун гавдангни ердан узиб, ўқ ёмғирга қарши боришинг, душман жойлашиб олган тепаликни қўлга олишинг керак. Тўғри, ҳамма унга етиб боролмайди. Лекин барибир бу тепаликни душмандан озод қилишинг керак. Чунки сендан бошқа одам келиб бу тепаликни озод қилиб бермайди-да.

Иван Алёшин жангга биринчи бўлиб киришган жангчи-коммунистлар г а зўр ҳурмат билан қарарди. Шунинг учун ҳам у партия сафига қабул қилишларини сўраб ариза ёзди. Фронтнинг олдинги линиясида унинг аризаси кўриб чиқилди. Масъулиятли жанглардан бирида у партия билети олган куннн бир умр ёдидан чиқармайди.

1946 йилда солдат армия хизматидан қайтиб келди. Тўппи-тўғри Тошкентга, Октябрь революцияси номидаги қадрдон тепловоз ремонти заводига келди.

Ўз иш жойига солдат гимнастёркасида келганида унн ишчилар қувонч билан кутиб олишди: Сергей Фетисов, Алимқул Маллаев, Николай Железновларнинг қувончи чексиз эди.

Урушгача бўлган вақтдагидек яна 2-механика цехида Иван Иванович ўзининг қадрдон токарлик дастгоҳида иш бошлади. Фидокор станокчини кўп ўтмай цех мастери қилиб тайинлашди. Кейинчалик катта мастер бўлди. Ишлаб чиқаришдаги катта муваффақиятлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Бу орденни Алёшин «Қизил юлдуз» ордени, «Жасорати учун», «Москва мудофаси учун» медаллари ёнига тақиб олган.

Бир неча йил муқаддам И. Алёшинни асбобсозлик цехига мастер қилиб ўтказишди. Коллектив бир неча бор завод кўчма Қизил байроғини, шунингдек зарбдор меҳнати учун мукофотларни олди.

Мана, бир неча йилдан буён Иван Иванович Алёшин пенсияга чиққан бўлса ҳам ҳамон цехда ишлаб келяпти.

— Коммунист уйда ўтиролмас экан. Негаки ҳали коллективга ёрдаминг тегишини ҳис қилиб турганингдан кейин ишлагинг келаверади...

Қўли гул уста бахтли ҳаёт кечиряпти. У тўрт қизни вояга етказди. Улар маълумотли бўлишди, қизлари оилали бўлишиб, улар ҳам бахтли ҳаёт кечирмоқдалар. Тўрт ўғил набираси ва икки қиз набираси вояга етишмоқда. Ветераннинг бугунги шодлиги чексиз, негаки набираларидан бири ва жияни Октябрь революцияси номли заводда унинг ишини давом эттирмоқда.

А. БРОНШТЕЙН.



Улуғ Ватан урушн қатнашчиси Василий Михайлович Носков СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба ишлаб чиқаришида ишлаётганига 20 йилдан ошди. У биринчи ўзбек трактори конвейердан тантана билан тушганини кўрган. Ҳозир цехда янги, янада қувватлироқ қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш бўйича ишлар олиб бориляпти.

Василий Носков Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Х. Мирзакаримов фотоси.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

УРУШНИНГ НОМИ ЎЧСИН

Кўплаб тошкентликлар Совет тинчлик фондига кўнгилли равишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ишчи Собир Юнусович Исаев «Узбекгазмаш» машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг касаба союз ташкилотига 1984 йилда пенсиясининг ярмини ҳар ойда тинчлик фондига ўтказишларини сўраб ариза берди.

Собир Юнусович — пенсионер, лекин ишини давом эттирмоқда. Ёшларнинг мураббийси сифатида коллектив ўртасида муносиб обрў қозонган. У 1972 йилдан буён КПСС аъзоси. Беш фарзандннг отаси. У тинчликни мустаҳкамлашга ўз моддий ёрдамини беришга қарор қилганлигини шундай изоҳлади:

— Мен уруш жабрини тортганман. Фашист олчоқлар бизнинг тинч шаҳар ва қишлоқларимизга ваҳшиёна ҳужум қилишганида мен Лубомильрайонидаги ғарбий чегараларда хизмат қилардим. Бизнинг қисмимизни душманлар ўраб олишди ва асирга олишди. Ҳарбий асирлар лагерларига жўнатишди. Қанчалар азоб-уқубат тортмадик, фашистлар бизни қанчалар қақорат қилмади. Икки марта қочишга уриниб кўрдим, лекин муваффақ бўлолмадим.

Қўйинг, булар ҳаммаси туш бўлиб қолсин. Урушнинг номи ўчсин! Мана, пенсионер бўлсам ҳам қўлимдан келганича севикли она-Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшаяпман.

Совет тинчлик фонди — бу, оммавий жамоатчилик ташкилоти бўлиб, унинг сафларида 90 миллионга яқин актив тинчлик тарафдорлари бор. У мамлакатимизда халқ ташаббуси билан ташкил этилган эди.

Совет тинчлик фондига ўтказилган маблағлардан тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларда фойдаланилади, империалистик агрессия қурбонларига ёрдам кўрсатилади, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашчилар қўллаб-қувватланади. Озодлик ва мустақиллик учун курашаётган халқларга, табиий офатдан зарар кўрганларга ёрдам кўрсатилади.

С. Исаев тинчлик тарафдорлари ҳаракатига қўшилиб, куч-ғайрати борича Тинчлик фондига кўпроқ ҳисса қўшишга интилмоқда. Кўпчилик тошкентликлар ҳам шундай. Тинчлик тарафдорлари ҳаракати, эса халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, қуролсизланиш, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширишга эришмоқда.

Шу йил бошидан буён «Узбекгазмаш» машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бухгалтерияси орқали Совет тинчлик фондига Собир Исаевдан кўнгилли равишда маблағлар тушиб турибди.

К. РОГАЧЕВ,
Совет тинчлик фонди Тошкент область бўлимининг масъул секретари.

● ВЕТЕРАНЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАЙМИЗ

ВАЛЕРИЙ ЧКАЛОВ БИЛАН УЧРАШ

Меҳнат ветеранлари... Уларнинг ҳар бирн босиб ўтган йўлнинг ўзи бир тарих. Меҳнат ветерани А. Бобоев билан суҳбатлашганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

...Уттизинчи йиллар. Республикамизда спортни оммалаштиришга катта эътибор берила бошланди. Фарғона водийсида ҳам спорт секцияларн ташкил этишга киришилди. Бу ишда фаол қатнашган ташаббускорлардан бири А. Бобоев эди. У республиканинг дастлабки велосипедчиларидан бири бўлиб, бу спортни оммалаштиришда айниқса жонбозлик кўрсатди.

1937 йилда биринчи марта Ўзбекистон велосипед пойгаси уюштирилди. Унинг қатнашчилари Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон бўйлаб 1.290 километр йўлни босиб ўтишди. Унда муваффақиятли қатнашган А. Бобоевга Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совға топширилди.

Абжир йигит велоспорт билан бир пайтда мотоцикль пойгаси ва бошқа мусобақаларда ҳам фаол қатнашди. Айниқса, 1938 йилда Ленин комсомолининг 20 йиллиги шарафига Киев шаҳрида ўтказилган мотоспорт бўйича Бутуниттифоқ мусобақаси унутилмас бўлиб қолган. Машҳур учувчи В. П. Чкалов мусобақага бош судья бўлган эди.

— Трасса оғир бўлишига қарамай, мусобақалар ғоят қизиқарли бўлди, — дея эслайди А. Бобоев. — 28 сентябрда беллашувларга якун чиқарилди. Ғолибларга совриилари Валерий Чкаловнинг ўзи топширди. Уз фамилиямни эшитгач, жюри столига зўр ҳаяжон билан яқинлашдим. Валерий Павлович номим ёзилган ов милтиғи ва ўзи нмзо қўйган Фахрий ёрлиқни топширди.

Ғолибларга мукофотлар топширилгандан кейин В. П. Чкалов командамиз жойга келди. Унинг тон командаси ўзининг эгаллаганлиги билан мамизни ва бу табрикладн. Сўнг билан суратга тушди.

Коммунист, Улуғ Ватан урушн қатнашчиси А. Бобоев узоқ йиллар ишчилик агрономлиги олиб ишлади ва ёшларга ишлоқ хўжасида қўшди. Ҳозир Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси ва сув хўжалиги министрлнги системасида меҳнат фаолиятини давом эттиряпти.

— Спорт билан ҳамиша шуғулланаман. Ўйлайманки, ёшлар барчалари ҳам қилишимнинг гаровидир, — дейди у ёшларга билан суҳбатлашганидан албатта, машқда ҳам В. П. Чкалов билан ўтказилган ҳақида мароқли ҳикоя қилиб беради.

М. МУРОДОВ.

● ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ИНСОФСИЗЛИК УЧУН ЖАЗОЛАНДИЛАР

Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветеранлари — Иванова, Каримова, Орлова, Иброҳимова редакцияга мурожаат этиб, Ҳамза районн улгуржи-чакана савдо идорасининг 12-магазинида қонунқарсиз хизмат кўрсатилаётганн ва харидор ҳақидан уриб қолинаётганн ҳақида шикоят қилишган эдн.

«Ташплодоовошч» улгуржи-чакана савдо бирлашмаси директорн М. Ортиқхўжаевнинг жавобида айтилишича, 12-магазин иши текширилганида савдо қондаларининг бузилиши фактлари тасдиқланди. Текшириш материалларн Ҳамза районн улгуржи-чакана савдо идорасн бўйича чиқарилган буйруқ билан харидор ҳақидан уриб қолганлиги учун сотувчи С. Тўхтаевага қаттиқ виговор эълон қилинди. Сотувчилар иши устидан назоратнинг йўқлиги, мевасабзавотлар тўла ассортиментда бўлмаганлиги учун Р. Раҳматуллаевга виговор берилди.

● «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ШУНДАЙ ҲУҚУҚ БОР

Ҳурматли редакция! Мен 30 йил мобайнида Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги органларида ишладим. Хизмат вазифамни бажараётганда, аниқроғи ҳавфли жиноятчини қўлга туширишда жароҳатландим. Натижада бироз вақт ўтгач, менга иккинчи группа инвалидлигини тайин этишди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетн Ички ишлар бошқармаси томонидан менга «имтиёзли ҳуқуқини берувчи инвалидлик гувоҳномаси» берилди.

Ана шу гувоҳнома билан саноат моллари маҳсулотларн олишда имтиёздан фойдаланиш учун Марказий универсал магазинига биркитиб қўйишди. Аммо мен оғир бетоблигим сабабли ушбу гувоҳнома билан турмуш ўртоғим магазинга борганида магазин ходимлари хизмат кўрсатишдан бош тортишибди. Район Советн депутатлари ва Ватан уруши ветеранларидан иборат комиссия аъзолари унга милиция ходимлари имтиёзли савдо хизматидан фойдаланишга ҳақлари йўқ деб айтишибди. Шу тўғримн!

С. ҚОРАБОЕВ, иккинчи группа инвалиди.

С. Қорабоев томонидан кўтарилган ушбу масалани Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси молия-план бўлими бошлиғи О. СИДДИҚОВ шарҳлайди:

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг белгилаган тартибига биноан Ватан уруши инвалидларига тайин этилган барча имтиёзалр Ички ишлар министрлиги органларининг хизмат вазифасини бажариш пайтида жароҳатланиб, инвалид бўлиб қолган раҳбар шахслари ва оддий ходимларга нисбатан ҳам жорий этилади.

СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи бўйича Давлат комитетининг 1975 йил 7 августда қабул қилган № 200-қарорига биноан Ватан уруши инвалидларига тенг бўлган инвалидларга ягона намунада гувоҳнома берилиб, унинг ички томонидаги: «Ватан уруши инвалиди гувоҳномаси» ёзуви ўрнига «Имтиёз ҳуқуқини берувчи инвалидлик гувоҳномаси» деб ёзиб қўйилади.

С. Қорабоев Ички ишлар министрлиги органларида ишлаб ўз хизмат вазифасини бажараётганида жароҳатланган ва иккинчи группа инвалиди ҳисобланади. У Тошкент шаҳар Совети Ички ишлар бошқармаси томонидан 1980 йилнинг 12 февралида серияси XVIII, 70705 номерли имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олган.

С. Қорабоев шикоятига Марказий универсал магазини дирекцияси ўринбосари М. Шидов ва нарх ва хизмат кўрсатиш қоидаларига этилишини назорат қилиш бўйича Октябрь район халқ комитетидаги назорат миссия раиси ўринбосари, ветерани А. ОРЛОВ жавоб берди.

«Бош универсал магазини томонидан С. Қорабоевни ветеран ноат моллари маҳсулотлари таъминлаш бўйича мат кўрсатиш тўғрисидаги этилди. Унинг ички матлигига кўра магазинга кела олмаслиги ҳисобга олинди. Шундан лар турмуш ўртоғининг томонидан ҳарид қилинишини мумкин эканлиги телефон орқали буюртма берганда ҳам лотлар уйига етказиб берилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

Ер ости «ҳайвонот боғи»

Агар йўлингиз тушиб, Чилонзорга ўтсангиз, бир жуфт резинка этик топиб, биз яшайдиган кооператив уйининг ертўласига тушиб ўтинг. Унинг ерости ҳайвонот боғига айланишига оз вақт қолди. Кун исиган сари ҳайвонот оламида жонланиш рўй беряпти. Яқин кунларда бу ерда чивин, пашша ғужғон ўйнаб, ўргимчак ва итбалиқлар пайдо бўлса ажаб эмас. Ҳозирча уларнинг ҳиди келиб турибди.

Гап шундаки, икки ойдан бери биз яшайдиган уйнинг ертўласини сув босиб ётибди. Болалар тоғорани қайиқ қилиб бемалол сузиб юришган бўлса, биринчи қаватда яшовчилар зах ва бадбўй ҳиддан беҳузур бўлишяпти.

Қиш пайтида канализация қувури ёрилиб, ертўла кўлга айланган эди. ЖЭКка хабар қилингач, слесарлар келиб, нуқсонни тузатгандай бўлишган эди. Лекин ертўлани ҳамон салкам ярим метр чуқурликда сув босиб ётибди. Бу ҳақда деярли ҳар куни «Чиланзарец» ЖЭКи бошлиғи Морозовга ва бош инженерига хабар қиляпмиз. Ҳатто 11 март куни Чилонзор район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. А. Панкратовга ёзма ариза бердик. Бу аризамиз ҳам сувга чўккан тошдек изсиз йўқолди.

Қисқаси, «Чиланзарец» турар жой кооперативи ЖЭКи ходимлари Чилонзорнинг «Б—5» кварталидаги 1-уйининг ертўласини чиндан ҳам ерости ҳайвонот боғига айлантиришга бел боғлаганга ўхшайдилар.

И. МУЛЛАЖОНОВ,
Улуғ Ватан урушн инвалиди, меҳнат ветерани.

Қайтими йўқ, қилишлари дўқ

Қадимги подшоҳлар хазиналарини тўлдириш учун халққа антиқа солиқлар солишар экан. Бири серсоқолга солиқ солса, бошқаси бесоқолдан ҳисса ундирар экан.

У замонлар ўтиб кетди. Лекин биз яшайдиган Бешқайрағоч массивидаги 28-озиқ-овқат магазинида «машина пули» ундириш расм бўлганки, бу нарса бутун шаҳар миқёсида оммалашиб кетмаса деб ташвишдамиз.

Гап бундай: магазинга бир сўм 80 тийинлик гўшт келса ҳам, бир сўм 85 тийинлик гўшт келса ҳам 2 сўмдан олиб қолишаверади. Хўжа кўрсин, кўзи тўйсинга ликопчада танга туради. Лекин қайтимни сўрасангиз, дўқ қилиб «Биз бекорга гўшт олиб келмаймиз, машинага пул тўлаб, гўшт келтирамиз» дейишади.

Қисқаси, Акмал Икромов райони озиқ-овқат савдоси идораси раҳбарлари 28-магазинда расм бўлган «дўқ» билан «машина пули»ни тезроқ йўқ қилишса ёмон бўлмасди. Ахир, ҳозир бўлар-бўлмасга солиқ солинаверадиган замон эмас.

О. МУҲАМЕДОВ,
У. ЙЎЛДОШЕВ,
А. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Б. ТОШМУҲАМЕДОВ,
Улуғ Ватан урушн инвалидлари ва шу массивда яшовчилар; Жами 7 имзо.

● ЛУҚМА

Устаси нўноқ экан...

Шаҳримизда «Техсложбитприбор», «Илғор» деган маиший хизмат кўрсатувчи бирлашмалар бор. Уларнинг раҳбарлари қўли гул усталаримиз бор деб мақтаниб юришади. Одамларнинг айтишича, шундай усталар борки, холодильникдан самолёт ясаб ва соат стрелкасидан паррак қилиб осмонга учириб юборади.

Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани Саидакбар Азизов (Тинчлик кўчаси, 355-уйда яшовчи ҳам шундай фикрда эди. Лекин нима бўлди-ю Фалабанинг 25 йиллиги муносабати билан чиқарилган медалнинг тўғнағичини синдириб қўйди. Алмаштириб беришларини сўраб, район ҳарбий комиссариатига борди. Афсуски, алмаштиришнинг иложи йўқ экан.

«Кейин, — деб ёзади С. Азизов, — шаҳардаги заргарлик, соатсозлик, радио ва ҳатто велосипед тузатадиган ўнлаб устахоналарга кирдим. «Техсложбитприбор» бирлашмасининг Весна кўчасидаги устахоналарига ҳам бордим. Ҳамма жойда бир хил жавоб беришди. Яъни, медалнинг тўғнағичини қайта ўрнатишнинг иложи йўқмиш. Энди медални сандиққа солиб қўйишга тўғри келяпти».

Биз ҳам Улуғ Ватан уруши ветеранига қандай жавоб беришга ҳайронмиз. Башарти, шаҳримизнинг ҳамма усталари нўноқ десак хато қилган бўламиз. Чунки Тошкентда тонгда жиринглаб уйғотадиган соатдан тортиб осмону фалакка кўтариладиган самолётгача, тирноқдек тугмачадан тортиб юзта филнинг ишини бажарадиган экскаваторгача ишлаб чиқарилади. Уларни моҳир усталар ясашади.

«Техсложбитприбор» ва «Илғор» каби бирлашмаларда нўноқ усталар ишлаётган бўлса нима ҳам дердик. Шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасидаги мутасадди ўртоқлардан тегишли жавобни кутишдан бошқа иложимиз йўқ.

М. ВАЛИЕВ.

Кекса японлар ўз ҳуқуқлари учун курашни давом эттиришяпти. Бутунялон қурилиш ишчилари ва мардикорлар касаба союзн аъзолари Миягэ шаҳрининг префектура бошқармаси яқинида уч кунлик забастовка ўтказишди. Кекса ишчилар ишдан бўшатишларга қарши чиқдилар, пенсия таъминоти системасн яхшиланишини талаб этдилар.

СУРАТДА («Дзикатаби» газетасидан олинган): забастовка қатнашчилари префектура мажлисн биносида.

ТАСС фотохроникаси.



2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

24 АПРЕЛЬ, 1984 й.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон пойтахтида ҳар икки йилда кинематографчилар тўпланаётган фестиваль эндиликда тинчлик ва дўстлик анжумани деб аталмоқда. Ўзбекистон ССР кинематография Давлат комитети раиси, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро Тошкент кинофестивалининг бош директори А. А. АБДУЛЛАЕВ кинофестивални ташкил этиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар ҳақида гапириб берди.

— Абдулаҳад Абдуллаевич, ҳозир қанча мамлакат бу фестивалда қатнашиш истагини билдирди?

— Бугунги кунгача жаҳоннинг 74 мамлакатидан фестивалда қатнашиш ҳақида истаклар олинди. Улар орасида йирик кинематография мамлакатлари — Ҳиндистон, Япония, Бразилия, МАР, Туркия бор. Афғонистон, Хитой, КХДР, Мозамбик мамлакатларининг кинофестивалда ўз мамлакатини делегациясига бошчилик қилади. Бу мамлакат кинематографчилари дастлабки Тошкент кинофестивалидан бошлаб қатнашмоқда. Таниқли кинематографчиларимиздан Ш. Аббосов, Э. Эшмуҳамедов, Р. Ботиров Лотин Америкаси, Ҳиндистон, Япония кино ижодкорлари ҳузурида бўлишди.

— Тошкент кино анжумани экранида қанча бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилади?

— Жуда кўп. Аниқ рақамни айтиш ҳозирча қийин, чунки бош дирекциядан ҳар куни намойиш этиладиган фильмлар ҳақида маълумотлар келиб турибди. Ахборот кўрикларида биз Бразилия, Япония, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг буюк кинематографияга усталари яратган картиналарни кўрдик. Акира Куросава, Кането Синди, Мринал Сен, Раж Капур, Сатьяджит Рай каби кино арбобларининг номи ҳаммамизга таниш.

Ҳиндистон Тошкент фестивалида 26 та, Аргентина 10 та фильм кўрсатиш ниятида. Булар «Қурбонликнинг сўнгги куни», «Сирли Буэнос-Айрес» ва бошқалардир. Миср 14 та фильм тақдим этмоқда. Бу картиналар «Автобус ҳайдовчиси», «Сувдаги хонадон» бадиий фильмлари, «Деҳқон аёлнинг ҳикояси» ҳужжатли ленталаридир. Ангола, Бангладеш, мамлакатлари ҳам ўз фильмларини намойиш этади. Яман Халқ Демократик Республикаси киноматографчилари совет ҳамкасблари билан ҳамкорликда «Республиканинг тенги» ҳужжатли фильмини суратга олишди. Мексика 11 та, КХДР, Боливия, Куба, Туркия, Афғонистон, Ангола, Мозамбик мамлакатлари ҳам Ўзбекистон пойтахтига ўз фильмларини юборишди.

Уларнинг бир қисми Тошкент кўригига тақдим этилмоқда. Миср Давлат маданият министри ўринбосари М. Ал-Муҳаммадий билан суҳбатлашдик. У киши Халқаро кинофестивалда ўз мамлакати делегациясига бошчилик қилади. Бу мамлакат кинематографчилари дастлабки Тошкент кинофестивалидан бошлаб қатнашмоқда. Таниқли кинематографчиларимиздан Ш. Аббосов, Э. Эшмуҳамедов, Р. Ботиров Лотин Америкаси, Ҳиндистон, Япония кино ижодкорлари ҳузурида бўлишди.

— Тошкент кино анжумани экранида қанча бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилади?

— Жуда кўп. Аниқ рақамни айтиш ҳозирча қийин, чунки бош дирекциядан ҳар куни намойиш этиладиган фильмлар ҳақида маълумотлар келиб турибди. Ахборот кўрикларида биз Бразилия, Япония, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг буюк кинематографияга усталари яратган картиналарни кўрдик. Акира Куросава, Кането Синди, Мринал Сен, Раж Капур, Сатьяджит Рай каби кино арбобларининг номи ҳаммамизга таниш.

Ҳиндистон Тошкент фестивалида 26 та, Аргентина 10 та фильм кўрсатиш ниятида. Булар «Қурбонликнинг сўнгги куни», «Сирли Буэнос-Айрес» ва бошқалардир. Миср 14 та фильм тақдим этмоқда. Бу картиналар «Автобус ҳайдовчиси», «Сувдаги хонадон» бадиий фильмлари, «Деҳқон аёлнинг ҳикояси» ҳужжатли ленталаридир. Ангола, Бангладеш, мамлакатлари ҳам ўз фильмларини намойиш этади. Яман Халқ Демократик Республикаси киноматографчилари совет ҳамкасблари билан ҳамкорликда «Республиканинг тенги» ҳужжатли фильмини суратга олишди. Мексика 11 та, КХДР, Боливия, Куба, Туркия, Афғонистон, Ангола, Мозамбик мамлакатлари ҳам Ўзбекистон пойтахтига ўз фильмларини юборишди.

Осиё ва Африка киноси яқин-яқинлардан буён ривожланмоқда. Африка киносининг буюк усталаридан Сембен Усмон Тошкент кинофестивалида бир неча бор меҳмон бўлди. Унинг «Почта жўнатмаси» картинаси биринчи Тошкент фестивалида намойиш этилган эди. Яна бир машҳур Сенегал режиссёри ва кино анжуманининг доимий иштирокчиси Полен Вийерадир.

Ўз халқига бўлган чексиз муҳаббати, тинчлик, ёрқин истиқбол учун ижодий курашда актив қатнашаётган бир қатор мамлакатларнинг санъаткорлари анжуманимизга марҳамат қилишади. Биз Фаластин озодлик ташкилотининг «Бир халқнинг тарихи», «Фаластиннинг қиёфаси», «Алининг онаси» ҳужжатли фильмларини кўрамиз.

Бундан ўн йил муқаддам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Фаластин халқига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берадиган миллий озодлик ва мустақиллик тўғрисида қарор қабул қилган эди. Фаластин озодлик ташкилоти киноҳужжатчилари машаққатли шароитларда қисқа вақтда 40 дан зиёд лентани суратга олишди. Уларнинг ижодидаги энг асосий мавзу воқеаларга ҳаққоний муносабатда бўлишдир. Улар ана шунинг учун ҳам кураш олиб бормоқдалар.

Шу нарсани ҳам айтиб ўтиш лозимки, кино байрамига ҳар томонлама мазмунли тайёргарлик кўрилмоқда. Меҳмонларимиз расмий ва ахборот кўрикларида қатнашиш билан кифояланиб қолмайдилар. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамиятида учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтади, тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг активистлари билан учрашадилар. Меҳмонларимиз Совет Ўзбекистони пойтахти билан танишадилар, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида, бошқа музейларда, республика Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасида бўладилар. Кўпгина мамлакатларнинг вакиллари ана шу бош кўргазмада бу йил ўзининг шонли 60 йиллик тўйини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Совет Ўзбекистонининг ютуқлари билан танишадилар.

Меҳмонлар делегациялари пойтахтимизнинг энг яхши кинотеатрларида — Санъат саройида ва бошқа кошоналарда томошабинлар билан учрашадилар, махсус поездда қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига зиёрат қиладилар.

Суҳбатни мухбирларимиз

А. ЙЎЛАТОВ ва
Э. АДАЙКИНА
ёзиб олдилар.

ҲАВАСКОРЛИК КИНОСТУДИЯСИДА ПРЕМЬЕРА

Пойафзалчилар маданият саройи ҳаваскорлик киностудиясининг қатнашчилари Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг донгдор ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати Фарида Аҳмедова ҳақида фильм яратдилар.

Тўртинчи цех ишчиси С. Раҳимов ва студия раҳбари Г. Канфер кинофильм авторларидир. Операторлар меҳнатдаги ўз ўртоқлари — смена бошлиғи, коммунистик меҳнат зарбдори тўғрисида илиқ ва дилдан ҳикоя қилишган.

Сарой киностудияси ҳаваскорлардан 20 кишини — корхона ишчи ва инженерларини, студентлар ва мактаб ўқувчиларини бирлаштирган. Ҳозир бу ерда бир нечта фильм суратга олинмоқда. Бу фильмлар бирлашма социалистик мусобақасининг илғорларига, маданият саройи бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларига, жонажон ўлка табиатига бағишланади.

ОЧИҚ МАЙДОНДА БАЛЕТ КЎРСАТИЛДИ

Роликли конькиларда рақсга тушиш болалар ҳаваскорлик ансамблининг қатнашчилари Тошкент тракторсозларига «Баҳор композицияси»ни туҳфа этдилар. Томошабинлар программасида эртаклар ва миниатюралар асосида эллик нафар бола ижро этадиган рақслар бор.

Корхона маданият саройи ҳузурида ташкил этилган роликли конькиларда рақсга тушувчилар хореография коллективи республикада ягона бўлиб, беш йилдан бери мавжуд. Коллектив турли конкурсларда бешта медални қўлга киритган. Ансамбль қатнашчилари ишчилар, студентлар клублари, маданият уйлари ва саройларида томошалар кўрсатмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ЯНА УЧРАШГУНЧА, ХАЙР!

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг совғаси учун ўтказилган теннис бўйича Халқаро IV Тошкент ўсмирлар турнирининг баҳслари якунланди. Болгария, Венгрия, ГДР, Руминия, Польша, Кипр, ГФР, Чехословакия, Швеция ва Совет Иттифоқининг ёш ракетка усталари бир ҳафта давомида «Динамо» стадионининг теннис кортларида Халқаро турнир совғалари учун ўзаро куч синашдилар.

Турнир якунланганидан кейин совриндорлар фахрий шоҳсупага кўтарилдилар. Уларнинг юзларида ҳаяжон ва севинч аломатлари бор эди. Уларнинг қувончига командадошлари, тренерлар ҳам шерикдир.

Ғалабагача бўлган йўл қийин ва узоқдир. Совринларни топшириш эса бир неча дақиқагина давом этди. Ғолиблик нашидасини суриш учун жуда кўп машғулотлар қилиш лозим. Теннис бўйича Тошкент турнирида икки марта ғалаба нашидасини сурган москвалик Виктория Мильвидскаянинг спортнинг бу тури билан жиддий шуғулланиб бошлаганига олти ярим йил бўлди. Москвадаги 77-ўрта мактабнинг битирувчиси бўлган бу қизнинг спорт таржимаи ҳолида ҳар хил воқеалар юз берган. Ўн йил давомида у муваффақиятсизлик аламини жуда кўп тотган. Лекин ундаги спортга бўлган меҳр машғулотларни жиддий ўтказишга, маҳоратни такомиллаштиришга ундаб турди. Ҳозир уни тажрибали спортчилар қаторига қўшиш мумкин. Унинг ўзига хос характери ҳам бор. Шу боисдан ҳам Виктория Мильвидская Тошкент турнирида якка разрядда ва ҳамшаҳри Наталья Бикова билан жуфт разрядда фахрий шоҳсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди.

Айтгандай, Наташани ҳам турнир қаҳрамонларининг сафига қўшиш мумкин. Армиячи спортчи яна икки марта — қизлар ўртасидаги якка разряд ва аралаш жуфтлик мусобақаларининг якунига кўра фахрий шоҳсупанинг иккинчи погонасига кўтарилди. Аралаш жуфтликда унга киевлик Сергей Гримальский ҳамроҳлик қилди. Грузиялик Лейла Месхнинг номи уч марта совриндорлар рўйхатида тилга олинди. Бу қиз якка разрядда ва ҳамюрти В. Габричидзе билан аралаш жуфт разрядда, львовлик Татьяна Худа билан жуфт разрядда бронза совриндори бўлди. Татьяна Худа ужгородлик Иософ Крочко билан аралаш разрядда турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

Қизлар ўртасида жуфт разряд мусобақаларида москвалик Евгения Малюкова ва Ирина Фатеева бош совриндор бўлишди. Симферополлик Томара Чернишовага иккита махсус соврин топширилди. Унга турнирнинг ёш қатнашчиси учун ва «Сўнгги умид» турнирида энг яхши натижа кўрсатганлиги учун таъсис этилган совринлар берилди.

Энди ўсмирлар ўртасидаги совриндорлар ҳақида тўхталайлик. «Калев» кўнгилли спорт жамиятининг вакили таллинлик Андреас Висанд турнирда муваффақиятли қатнашди. Финал учрашувида у симферополлик динамочи Александр Чернецкийни енгди. Учинчи ўринни калининградлик спартакчи Александр Волков эгаллади. Аралаш жуфтликда воронежлик Дмитрий Бузинний ва ереванлик Артур Шилажан ғалаба нашидасини суришди. ГФРлик Аксель Харнунг ва Андреас Леш иккинчи ўринни эгаллашдилар. Мамлакатимиз вакиллари Александр Волков ва Александр Чернецкий бронза совриндорлари бўлишди.

Тошкентлик спортчилардан фақат В. Богатнрёвгина турнирда дуруст натижа кўрсатди. Қолганлари эса маҳоратларини яхши намойиш эта олмадилар. Чунки уларнинг кўплари турнир тажрибасига эга эмас эдилар. Шунингдек, турнирда энг кучли теннисчилар тўпланганлиги ҳам бунга маълум даражада сабабдир. Шунга қарамасдан, тренерлар ёш теннисчилар XVII Бутуниттифоқ ўқувчилар Спартакиадасига яхши тайёргарлик кўришади ва беллашувларда маҳорат кўрсатишади деган умиддалар. Шу боисдан ҳам улар жуда кўп спортчилар билан ҳайрлашишмади, балки яна учрашгунча, деб қолдилар.

М. ГОРБАЧЁВ.

* * *

СУРАТДА: турнир ғолиблари.

Т. Каримов
фотоси.



СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● 50 ЙИЛ — АВАРИЯСИЗ...

Анастас Велинов турли маркадаги 40 та мотоциклни ўз умри давомида миниб кўрди. Ўйламанг, у мотоцикл пойгачиси ҳам, мотоцикл синовчиси ҳам эмас. Болгариянинг Осмар қишлоғи этикдўзи Анастас икки ғилдиракли машиналарнинг ашаддий ишқибозидир. 1933 йилдан бери у мотоцикл ҳайдайди, ана шундан бери ўтган 50 йилдан кўпроқ вақт мобайнида бирорта ҳам авария ҳодисасига йўл қўймади. Велинов мунтазам равишда медицина кўрикларидан ўтиб туради. Врачлар лоақал бирор марта ҳам ундан кўриш ва эшитиш қобилияти заррача бўлса-да ёмонлашган ҳолатни белгилай олишмаган. Бу ерда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш ва қўшиб қўйиш керак: мотоцикл спорти ветеранн 96 ёшга чиққан. У ҳамон меҳнат қилишда давом этяпти.

● ЕНГИЛ УЙДАГИ НИКОҲ МАРОСИМИ

Енгилдан сақлаш идорасида ишловчи Ральф Дил ўзининг никоҳ тўйини антиқа қилиб ўтказди. У АҚШнинг Стейстборо шаҳрининг ёниб кетган уйларидан бирида қайлиғи билан бирга ўт ўчирувчиларнинг киймларини кийишиб, никоҳдан ўтди. Келинининг қўлида гул ўрнига ўт ўчириш асбоблари, бошида эса каска бор эди. Ральф бу ҳақда дўстларига ўзининг касбини ниҳоятда севишини ҳамда бутун умрини бу ишга бағишлашни исботловчи далил деб кўрсатди.

● «ГАПИРАДИГАН» ЎРАЛАР

Бельгия истироҳат боғларининг хиёбонлари ва йўлкалари ҳаддан ташқари ораста бўлиб қолди. Чекиб ташланган папирос қолдиқлари, сигаретларнинг бўш пачкалари, йиртилган қоғозлар ва бошқа майда-чуйда чиқиндилар бирданига йўқ бўлди-қолди. Ҳамма гап шундаки, муниципалитет маъмурлари психологларнинг таклифи билан дам олаётган жойларга «гапирадиган» ўралар ўрнатдилар. Ахлатларни йиғадиган бундай ўраларнинг «фазилати» шуки, ҳар гал унга ҳар хил чиқиндилар ташланганда ширин-суханлик билан ташаккур билдиради. «Гапирадиган» ўралар айниқса болаларга ёқиб қолди. Улар кун бўйи парклар ва унга туташ кўчалардан мўъжиза ўраларга «озиқ-овқат» олиб келиш ва ундан ташаккур эшитиш учун елиб-югуришмоқда.

● ҚАФАСДАГИ ОДАМ

Сиднейнинг зоология боғида қафаса... одамни қамаб қўйишди. Театр директори Майн Маллинз шу қафасда 21 кун туриб берди. Гарчи бетон қафас яхшигина жиҳозланган бўлса ҳам ундаги одам «дунёдаги энг хавфли махлуқ» сифатида намойиш қилинди. Чунки «ўзи яшаб турган муҳитни вайрон қилишда одамга тенг келадиган нарса оламда йўқ», деб ҳисоблашмоқда бу ғаройиб томоша ташкилотчилари.

● ТЕСКАРИ ЁЗУВЛИ ЁРДАМ МАШИНАСИ

Дания шаҳарларидан бирининг кўчаларида янги «тез ёрдам» машинаси пайдо бўлди. Лекин ундаги ёзувни ҳеч ким ўқий олмайди. Маълум бўлишича, у тескари ёзилган бўлиб, бошқа машиналарнинг ойнасидан тўғри кўринар экан. Ҳайдовчилар «Тез ёрдам» машинасига йўл беришлари учун ана шундай усул қўлланиляпти.

● ЎН ИККИ ЁШДАН КЕЙИН

Панаманинг Сан-Блас шаҳрида ғалати урф-одат ҳанузгача сақланиб келади. Бу ерда ўн икки ёшгача бўлган барча қизларни Тити деб аташади. Бу маҳаллий диалектда «гулим» деган маънони англатади. Ўн икки ёшдан кейингина қизларга аёлларнинг номи берилади.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
24 АПРЕЛЬ, 1984 й.

НОДИР ТАНГА

В. И. Ленин номидаги Москва давлат тарих музейидан урганчлик Р. В. Чернявский номига қимматли совға — Хоразмнинг нодир тангаси учун хоннатдорчилик изҳор этилган хат келди.

1920 йилда зарб этилган 15 тангалик пул коллекциячилар ва нумизмат олимлар учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу тангалар Хивада қисқа муддат ичида бронзадан зарб этилган. Ҳозирга қадар музей коллекцияларидан 2,5—5 тангалик шундай пулларни учратиш мумкин эди. Хоразмдан келган бу танга пойтахт музейининг экспозициясига киритилди— у ҳозирга қадар нумизматик ноёб пул каталогларининг биронтасида ҳам рўйхатга олинмаганди.

Урганчлик ҳаваскор нумизмат билан музей ходимлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Москвалик олимлар Чернявскийнинг ҳозир уч ярим мингтага яқин тангалари коллекциясидан кўпгина нодир тангаларнинг илмий қимматини аниқлашда ёрдам бердилар.

(ЎзТАГ).

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ҚЎЗИҚОРИН

Билиб қўйган яхши

Баҳор фаслида қирлар, тоғлар бағри, боғлар кўйидан қўзиқоринлар ўсиб чиқади. Маълумки, егулликка арзийдиган қўзиқоринлардан газзатли таомлар, ҳўшбўй консервалар тайёрлаш мумкин. Бизнинг шароитимизда ўсадиган шампеньонларни бекорга «кўзи думба» деб атамайди. Ҳақиқатан ҳам пишмрилган бу қўзиқорин-қўйруқ мазасини беради.

Шуни унутмаслик керакки, қўзиқоринлар замбуруғ тоифа ўсимликларга киради, улар тубан ўсимликларнинг хлорофилсиз алоҳида бир тури. Замбуруғ тоифа ўсимликларнинг 5 синфга бириктирувчи 100 минтга яқин тури маълум. Аксарият замбуруғлар сапрофит, паразит ҳисобланади. Халққа маълум бўлган қўзиқоринлар шу замбуруғ тоифа ўсимликларининг юқори тараққий этган формасидир. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида қўзиқорининг овқатга ишлатадилар. Ейиладиган қўзиқоринларнинг 100 дан ортиқ тури бор. Буларнинг кўпи фойдали бўлиб, улар ўз таркибида осон сингийдиган оқсил моддалар, витаминлар ҳамда ферментлар сақлайди.

Қўзиқоринлар нинг шартли заҳарли тури ҳам мавжуд бўлиб, улар фақатгина яхшилаб тозаланиб ҳамда лозим кўрилган ҳолда қайнатилгач, заҳарли тарафларини йўқотиши мумкин. Буларга строчки, сморчки, свинушки кабиларни мисол қилишимиз мумкин. Қўзиқорнларнинг яна бир тури мавжудки, улар ҳар қандай ишлов берилишидан қатъий назар, ўзининг заҳарли омилларини сақлаб қолади. Буларга оқ ва нурсиз поганка, баъзи соябонли қўзиқоринлар, ўргимчакуя, лепиота турлари, шунингдек қоплонхолли мухоморлар ўзининг ниҳоятда заҳарлилиги билан ажралиб туради.

Ўтган йили Тошкент ҳамда Навоий областларида қўзиқоринлар билан заҳарланиш ҳоллари рўй берди. Қўзиқорнини ажрата билмасликнинг мусибатлари қайд қилинди. Қўзиқорин билан заҳарланишни ниҳоятда оғир ўтиши ҳақида шундай маълумотларни келтириш мумкин. Бир онладан тўрт киши қўзиқорин билан заҳарланади. Улар қўзиқоринларни тоғ этакларидан териб келтиришгач, шўрва тайёрлайдилар. Кечқурун шўрванн барча тамадди қилиб, қолдиғини итга берадилар. Тунда болалар хасталанишди: қайт ҳуруж қиладн, қорин оғриғи исканжага олади, ич ўтади. Болаларнинг тақим мушакларида тиришиш ҳосил бўлди. Жабрланганларнинг барчаси кун охирида госпитализация қилинди. Эртаси кун кечга бориб болаларда қайт қилиш ҳамда ич ўтиши тўхтаб, уйқу босди. Катталарда эса кўрсатиб ўтилган ҳолатлар давом этиши билан бирга, жигар атрофида оғриқ турди. Учинчи куни эрталаб юрак фаолиятининг сустлашиб кетиши оқибатида болалар аҳволи оғирлашди. Ота-оналар заҳарланиш жуда оғир ўтган бўлишига қарамасдан, учинчи куннинг кечига бориб бир оз енгилдик пайдо бўлади ва 2 ҳафтадан сўнг шифохонадан чиқиб кетишади.

Республикамизда лепиота турндаги заҳарли қўзиқоринлар кўплаб учрайди. Лепиота қўзиқорини билан заҳарланиш жуда азиятли ҳамда хавфли ўтади. Қўзиқорининг истеъмол қилган кишилар заҳарланиб, уларда кўнгил айниш, ўҳчиш ва қусиш, қоринда қаттиқ оғриқ пайдо бўлиши ҳоллари юз беради, оёқ-қўл мушаклари тортишади, бемор беҳуш бўладн.

Қўзиқорин еб заҳарланган киши сарғайиши, пешобида қон бўлиши, ўткир камқонлик ҳолатига учраши мумкин. Бундай ҳолларда зудлик билан врачга мурожаат қилиш лозим. Бемор «Тез ёрдам»га мурожаат қилиш билан бирга, овқат қолдиқлари, жумладан қўзиқорин намунаси кўрсатилиши даволанишни тўғри олиб боришга йўл очади.

Қўзиқорин табиати билан таниш бўлмаган кишилар мутлоқ равишда қўзиқоринлардан озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрламасликлари керак.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ФАЛОКАТЛИ ОҚИБАТЛАР

Антаканариву ороли-нинг шимолий қисмидан ўтган «камизи» циклони Мадагаскарга фалокатли оқибатлар келтирди. Анқирана шаҳри айниқса жабр кўрди. Бу ерда 35 минг киши бошпанасиз қолди. Тезлиги баъзида соатига 200 километрга етган бўрон 80 процентга яқин бинони вайрон қилди.

Анқирана гавандаги кеналарнинг ҳаммаси ғарқ бўлди ёки при-чалларга келиб уриліб жиҳатланди. Шаҳарда телефон алоқаси узилди, сув таъминоти ишдан чиқди, электр келиши тўхтади. Дастлабки ҳисобга кўра жами зарар 2 миллион долларни ошади.

Мадагаскар шимолида шакарқамиш ва кофенинг кўп қисми нобуд бўлди. Оролнинг шу қисмида ёғаётган шарос ёмғир аҳволни янада оғирлаштириб, тошқин хавфини вужудга келтирмоқда.

Фалокат юз берган районларга шошилинч равишда дори-дармон, озиқ-овқат ва энг зарур моллар ташланмоқда.

«ОҚ АЖАЛ» МАНБАИ

Покистоннинг Афғонистонга қарши аксилинқилобчи тўдалар ихтиёрига бериб қўйилган катта-катта районларида афион ишлаб чиқариш ҳисли кўрилмаган катта кўлам касб этди. БМТ паноҳида Ҳиндистон пойтахтида очилган наркотик моддаларга қарши кураш халқаро семинарининг қатнашчилари шундай дедилар. Ҳозирги вақтда Қўшма Штатлар ва Ғарбий Европанинг «Яширин бозори»да сотилаётган героннинг 70 процентн айнн Покистоннинг шимолий-ғарбий чегара вилояти ва Белжистондан келмоқда.

Чехословакия. Слани шаҳридаги Ян Шверма номидаги машинасозлик заводида ўзи юрар рельссиз кўтарма кранлар ишлаб чиқарила бошланди.

СУРАТДА: ана шундай кранларни йиғиш пайти.


ЧТК—ТАСС фотоси.


* * *

ГДР Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида изотоплар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича СССРдан кейин иккинчи ўринда туради.

СУРАТДА: (олдинги планда) — Россендорфдаги Миллий Фанлар академияси ядро тадқиқотлари марказий институти лабораториясининг ходими Карин Зайдель.

АДН—ТАСС фотоси.





МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН ЎТДИ

ДАККА. Бу ерда совет фани кунига бағишлаб очилган виставка муваффақият билан ўтди. Виставка томошабинлари совет олимларининг медицина, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик соҳасидаги ва бошқа соҳалардаги ишлари ва эришган ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилувчи фотоматериаллар билан қизиқиб танишдилар. Пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари Совет Иттифоқи олимларининг космик фазони ўзлаштириш бораси-даги ишларига бағишланган махсус бўлимга алоҳида қизиқиш билан қарадилар. СССРда инглиз ва бенгал тилларида нашр этилган илмий ва техник адабиёт ҳамманинг эътиборига сазовор бўлди.

Виставкани келиб кўрган Бангладеш фанлар академиясининг президенти М. О. Ғани совет фани ва техникасининг ютуқларига юксак баҳо берди. У турли мамлакатларнинг олимлари ер юзидаги миллион-миллион кишиларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган тинч тадқиқотларга, планетада тинчликни сақлаш, қуролланишт пойгасини жиловлаш ва қурол-яроғни қисқартириш тўғрисида ахдлашувга эришиш йўлида куч-ғайратларни сарфлаётганлар, деб даъват этди.


«КИСЛОТАЛИ ЁМҒИР»

Ғарбий германиялик Гюнтер Рейхельтнинг айтишича, Франция ўрмонлари барбод бўлиши хавфи остида турибди. У Франциянинг бешта ўрмон массивини тадқиқ қилди ва улар «кислотали ёмғир»дан турли даражада азият чекканликлари, шунингдек атроф-муҳитнинг саноат чиқиндиларидан нфлосланганлиги аниқланди. Рейхельтнинг фикрича, 560 минг гектар майдонни ишғол қилган ўрмонлар пайҳон бўлган.

СУНЪИЙ СУЯК

Рейтер агентлигининг хабар беришича, Япониядаги «Мнкутнси» фирмаси зарарланган табиий суяк ўрнига ўрнатиш мумкин бўлган суяк ишлаб чиқардилар. Бу суяк ўзининг химик состави билан табиийсидан ҳеч бир фарқ қилмас экан.

Ҳайвонларда синаб кўрилган дастлабки тажрибалар бунн юз фоиз тасдиқладн.



АҚШ. Кўп асрлар давомида Америкаиинг негр аҳолиси зўравонлик, қуллик, эксплуатация,қонунсиз қамоққа олишлар ва ўлдиришлар қурбони бўлиб келмоқда. Яқинда Майамидаги негрлар истиқомат қиладиган жой — Овертаунда оммавий намойиш бўлиб ўтди. Бир неча кунгача кварталларда истиқомат қилаётган негрлар билан полициянинг қуролли отрядлари ўртасида йирик тўқнашувлар бўлиб ўтди.

СУРАТДА: қуролсиз негрлардан ўч олиш жараёнида 20 дан зиёд киши оғир яраланди, юзлаб қора танли америкаликлар қамоққа олинди.

АП—ТАСС телефотоси.

БИЛДИРИШ

Ўзбек тилида халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар факультети тингловчилари диққатига.

25 апрель куни соат 17.00 да «Билимлар уйида «Афғонистон тараққиёт йўлида» мавзуида лекция бўлади. Лектор фалсафа фанлари кандидати З. Умаров.

Иккинчи лекция — «Нотиқлик санъати асослари тўғрисида». Лектор — профессор Л. Хўжаева.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

30-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йилига

ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг профилдаги сартарошлар, кенг профилдаги фотографлар, кенг профилдаги ошпазлар ва сотувчилар, якка буюртма тикувчилар, қандолатчилар, электр-усталар (холодильник, кир ювиш, чанг тозалаш машиналари бўйича), **омонат кассаларида ишлайдиган контролёр-кассирлар.**

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшда бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.

Билим юртига ўқувчилар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган меҳнат ҳақининг 33 процентини ўқувчиларга берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда маълум имтиёзлардан фойдаланадилар.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига киришда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақида-ги гувоҳнома, турар жойидан справка, 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, мактабдан характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 1/2-«Қорақамиш» массиви (42, 43«з», 56, 82-автобуслар ва 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати). Телефон 48-68-59.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

127-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар устки кийимларини тикувчи. Ўқиш муддати — 2 йил, 2,5 йил; эркаклар ва болалар кийимларини тайёрловчи тикувчи-мотористка. Ўқиш муддати — ўрта маълумотлилар учун 1 йил, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида шу соҳа бўйича таълим олганлар учун 6 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса ўқиш муддати — 3 йил; тикувчи-мотористка (трикотаж ишлаб чиқариш бўйича). **Ўқиш муддати— ўрта маълумотлилар учун 8 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йил.**

Билим юртида 3 йил ўқиб битирганларга эгаллаган касби ва тўлиқ ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

8 синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар тўла давлат таъминотида бўладилар, ўрта маълумот билан кирганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларини битириб келганларга эса ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига киручилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, билим юрти директори номига ёзилган ариза, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, мактабдан характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.

Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй (2, 16, 22, 23, 28, 3, 16-трамвайлар; 2, 9, 10, 17, 26, 56, 57, 60, 72, 88-автобусларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Магазин—Мавзук кўчаси, 136-уй (27-трамвай; 10, 43, 88, 102-автобусларнинг «Шимолий Олмазор» бекати). Телефон: 35-62-41.

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» трестининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

3-ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларда вентиляция ва ҳавони мўътадиллаштириш системалари монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар, вентиляция системаларининг деталларини тайёрлаш бўйича слесарь-вентиляциячилар.

17,5 ДАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Қабул кириш имтиҳонларисиз ўтказилади.

Курсларга қабул қилинганларга ойига 76 сўм миқдорида стипендия тўланади.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

КУРСЛАРНИ БИТИРГАН КИШИЛАР «УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИ ТАШКИЛОТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: паспорт, ҳарбий билет ёки қайд этилганлик гувоҳномаси, меҳнат дафтарчаси, справкалар: турар жойидан, саломатлиги тўғрисида; 3 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, 5-хона.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

технологлар, штамповкачилар, пайвандчилар, созловчилар, токарлар, слесарь-асбобсозлар, конструкторлар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланади.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

токарь-универсаллар, слесарь-сантехниклар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар, газ-электр пайвандчилар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланади.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»

«ТАШТРАНССПЕЦСТРОЙ» трестининг

2-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИГА

йўл ишчилари, труба ётқизувчи слесарлар, монтажчилар, ёнғиндан ҳимоя қилувчи.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланади.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

штамповкачилар (аёллар), **полировкачилар** (аёллар), **қуювчилар** (аёллар), **прессловчилар** (аёллар), **слесарь-ремонтчилар, слесарь-асбобсозлар, токарлар, пайвандловчилар, фрезерчилар, тунукачилар.**

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 53-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти— Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

ИНСОН ДУНЁГА КЕЛДИ...



У ҳали жуда кичик ва меҳрга ташна, бироқ унга ҳозироқ жуда кўп нарсалар зарур: пелёнкалар, чойшабчалар, пододеяльниклар, ҳамда асосийси — кийимлар керак.

ХЎШ БУ КИЙИМЛАР ҚАНДАЙ? Енгил, қулай, энг нафис ранглардаги — пушти, зангори, «салат» тусидаги распошонкалар, ползункалар, кўйлакчалар, чепчиклар, ички кўйлакчалар

«МАЛИШ» МАГАЗИНИНИНГ
(«Болалар дунёси» чакана савдо фирмаси)
«ҲАММА НАРСА ЯНГИ ТУҒИЛГАНЛАР УЧУН»
БЎЛИМИДА КЎПЛАБ МАВЖУД.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Большевик кўчаси, 6-«а» уй.

Иш вақтлари — 10 дан 19.00 гача.
Танаффус — 14 дан 15.00 гача.
Дам олиш куни — душанба.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИ (телефон 42-56-41).

ҚУЛАЙ ВА ГЎЗАЛ



ТРИКОТАЖДАН ТАЙЁРЛАНГАН БУЮМЛАРНИ

ШУНДАЙ ТАЪРИФЛАШ МУМКИН.

Кишини иссиқ тутадиган, майин, енгил, ҳаракат пайтида сиқиб қўймайдиган бундай трикотаж либослари фақатгина катталарнинг эмас, балки болаларнинг ҳам севимли либосига айланиб бормоқда.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

СИЗ БУ МАГАЗИНЛАРДАН ТРИКОТАЖДАН ТАЙЁРЛАНГАН — ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ БАРЧАСИ УЧУН МОС КЕЛАДИГАН ЛИБОСЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

ОНАЛАРГА — кўйлаклар ва костюмлар, жакетлар ва блузкалар, комбинациялар ва тунги кўйлаклар;

ДАДАЛАРГА —пуловерлар, спорт костюмлари, жакетлар;

БОЛАЛАРГА —кўйлаклар, шимлар, жемперлар, қиз болалар кўйлаклари, колготкалар, пайпоқлар.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» (телефон 53-51-28).


БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

БАЙРАМ АРАФАСИДА

КВАРТИРАМИЗНИ ОРАСТА ҚИЛАМИЗ,
ЯНГИ ПОЙАФЗАЛЛАР СОТИБ ОЛАМИЗ,
БАЙРАМ ЛИБОСЛАРИНИ ТИКТИРАМИЗ,
БУНДАН ТАШҚАРИ — ТОРТЛАР, ПИРОЖНИЙЛАР, РУЛЕТЛАР ПИШИРАМИЗ...

Бир талай юмушлар мунтазирлик билан кутмоқда!

Агарда сиз кулинария ва полуфабрикатлар магазинларининг хизматидан баҳраманд бўлсангиз байрам билан боғлиқ бўлган жуда кўп юмушларнинг бир қисмидан вақтингиз бўшаган бўлади.



КУЛИНАРИЯ ВА ЯРИМ МАСАЛЛИҚЛАР МАГАЗИНЛАРИ

БАЙРАМОЛДИ ВА БАЙРАМ КУНЛАРИДА
КОНДИТЕР ВА КУЛИНАРИЯ
МАҲСУЛОТЛАРИНИҢ

КЕНГ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

Сиз бу магазинлардан тортлар, пирожнийлар ва бошқа кондитер нозу неъматларини тайёрлаб бериш юзасидан буюртмалар беришингиз; тайёр хамирни сотиб олишингиз мумкин.

КУЛИНАРИЯ ВА ЯРИМ МАСАЛЛИҚЛАР МАГАЗИНЛАРИ

28, 29, 30 АПРЕЛДА
7 ВА 8 МАЙДА

КЕЧ СОАТ 22.00 ГА ҚАДАР ИШЛАШИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ.

РЕСТОРАНЛАР ВА КАФЕЛАР БАЙРАМ ОҚШОМИ ЗИЁФАТЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЮЗАСИДАН ОЛДИНДАН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА.

29 ВА 30 АПРЕЛДА,
1, 2, 8 ВА 9 МАЙДА
РЕСТОРАНЛАР ЯРИМ КЕЧАГАЧА,
КАФЕЛАР СОАТ 24 ГА ҚАДАР ИШЛАЙДИ.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ (телефон 55-70-61).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

сешанба

24 АПРЕЛ

● МТ I

17.55 «Стадион ҳамма учун».
18.25 Керакли юкнинг оғирлиги йўқ». Телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильмлар.
19.55 «Фан ва турмуш». Фан ва техника соҳасида 1984 йилги Ленин мукофотининг лауреатлари.
20.45 Халқ хорларининг II Бутунроссия кўриги. Волга Давлат рус халқ хорининг чиқиши.
21.30 «Время».
22.05 «Нима? Каерда? Қачон?». Телевизион викторина.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крилья Советов»—«Динамо» (Москва). 2- ва 3-даврлар.
21.30 «Время».
22.05 «Кўғирчоқдай». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Польша). Б. Прус романи мотивлари асосида. 1-серия.
23.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» —«Трактор». 3-давр.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Пионерлар мамлакатида» (рус.).
19.05 «Миллионлар лениниа университети». «Тежамкорлик— коммунистик фазилат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ёшларнинг Халқаро бирдамлик кунига. «Интернационал дўстлик клуби».
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР халқ артисти Ҳ. Охунова ва ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Т. Саъдуллаев концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пилларинларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
22.20 П. Қодиров. «Олмос камар». Видеофильм. 1-қисм.
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқитувчилар учун консультация.
18.50 «Кўлни бер, ўртоқ!», «Бешинчи — меҳнат чораги». Ёшларнинг Халқаро бирдамлик кунига бағишланган кинопрограмма.
19.30 Ўқув программаси (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси (рус.).
21.00 «Адигейлар тупроғида». Телефильм.
21.30 МТ II.

чоршанба

25 АПРЕЛ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.05 «Комсомол майдони». Телефильм.
10.30 «Қалбга яқин қўшиқлар».
11.10 «Саёҳатчилар клуби».
12.10 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Ғарбий Сибирь кинохроника студиясининг ҳужжатли фильмлари: «Модомики сен директор экансан», «Аввало вертолётлар». «Тундра ҳақида ҳикоялар».
16.10 Халқ куйлари.
16.25 К. Тренёв. «Любовь Яровая».
17.20 Н. Паганини. Скрипка ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.45 «Революцияни ҳимоя қилиб». Афғон халқининг ҳаёти ва кураши ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.35 «Спорт ҳафталиги».
20.05 «Ўжар қизнинг қуюлиши». Совет Армияси Марказий академик театрининг фильм-спектакли.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича Олимпия турнирининг саралаш матчи. СССР—Венгрия терма командалари.
23.45 «Агар соғлом бўлай десанг».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 —9.35 «Рассом М. Греков». Ҳужжатли фильм.
9.55—10.15 «Твардовскийнинг болалиги». Ҳужжатли фильм.
12.05—12.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.55 «Экспедиция океанга жўнаб кетяпти». Илмий-оммабоп фильм.
15.20 «В. Шекспир». 2-қисм.
16.10 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Оқшом тароналари».
19.40 —20.30 «Котилликка лицензия». Телефильм.
20.55 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.00 «Кўғирчоқдай». Телевизион бадиий фильм премьераси (Польша). 2-серия.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Созлаш». Телефильм.
10.50 Мультфильм.
11.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари».
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». Студент-қурилиш отряди жангчиларини профессионал кўникмаларга ўргатиш (рус.).
12.30 Ўқув программаси (рус.).
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Кўғирчоқ фильм.
18.30 Ўсмирлар учун. «Орзу».
19.00 «Нақадар гўзал куй бу...» Тошкент ва Чирчиқ шаҳарлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ контроли экрани».
20.15 «Марказоль кўли». Манзарали фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Карнай садоси». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
21.20 Телефильм.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап? Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 П. Қодиров. «Олмос камар». Видеофильм. 2-қисм.
23.15 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 —16.40 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ўқув программаси.
18.45 «Таклиф киритаман». Телефильм.
19.15 «Ассалом, Наврўз!» Музикали программа.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ассалом, Наврўз!» Музикали программа (давоми).
21.00 «Маҳорат йўли (рус.).
21.30 МТ II

театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 24/IV да **Тўмарис** (премьера), 25/IV да **Ҳамза номидаги** ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... МА ТЕАТРИДА — ... да **Зебуннисо**, 25/IV да ... МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ... ТРИДА — 24/IV да ... **нинг нозанин малика**, ... да **Лайли ва Мажнун**.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ... КИДА — 28/IV да ... **цирк»** Москва цирки ... **ларининг томошалари**.

кино

24 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Санъат саройи** (18.30, 21.00, телефон 44-21-74), **Ватан** (18.30, 21.00, телефон 44-20), **Қозоғистон** (17, 20.00, 21.00, телефон 35-24-92), **Ленинград** (17, 20.00; 18, 21.00, телефон 66-15-75), **Нукус** (11, 13.30, 18.30, 21.00, телефон 46-70-69), **Ватан** (18, 21.00).

«СЕВАМАН ВА КУЧЛИ СЕНИ, ЛЕНА» — ... (жуфт соатларда, телефон 36-14-61), **М. Шайхзода** ... (тоқ соатларда, телефон ... 74).

«ХОТИМА» —Искра ... соатларда, телефон 96-34-02).

«ИНГЛИЗ КАРАВШИНИ ГИ УЧ ГИЛЬЗА» — ... **Советининг 50 йиллиги** ... (жуфт соатларда, телефон 47-25).

«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06).

25 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 18.30, 20.45, телефон 44-21-74), **Чайка** (11, 13.30, 18, 21.00, телефон 77-06-20), **Ғиштон** (11, 14, 17, 20.00, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92), **Дружба** (11, 14, 17, 20.00, 12, 15, 18, 21.00, телефон 66-15-75), **Нукус** (11, 13.30, 16.30, 18.30, 21.00, телефон 46-70-69), **Ватан** (12, 15, 18, 21.00).

«СЕВАМАН ВА КУЧЛИ СЕНИ, ЛЕНА» — ... (жуфт соатларда, телефон 36-14-61), **М. Шайхзода** ... (тоқ соатларда).

«ОСМОН ДАРВОЗАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ХОТИМА» —Искра ... соатларда, телефон 96-34-02).

«ИНГЛИЗ КАРАВШИНИ ГИ УЧ ГИЛЬЗА» — ... **номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06).

«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ» — **Ерматов номли** (тоқ ва ... соатларда, телефон 24-24-6...

«Главташкентстрой» ишўқув комбинати қуйидаги курсларга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КЎТАРМА КРАН... МАШИНИСТЛАРИ, БУЛ... ДОЗЕР МАШИНИСТЛАРИ.

Курсларга 18 ёшдан кам бўлмаган ўғил ва қиз... шунингдек Совет Армияси сафларида хизматини ўтаб қайтган ёшлар қабул қилинадилар.

Кўтарма кранлар машинистлари ишлаб чиқаришда ажралган ҳолда ўқитилади. Ўқиш муддати — 4,5 ой. Бульдозер машинистлари ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқитилади. Ўқиш муддати — 3,5 ой. (тенг группа).

Ёлғизлар барча қулайликлар билан таъминланадилар. Тошкент шаҳрида прописка қилинадилар.

Курсларни битирганлар «Главташкентстрой» ва «Стройтехмеханизация» трестларининг бошқармаларида ишлашга таклиф этилади. Уларга квартира билан таъминланади — белгиланган навбат бўйича.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Адрес: Тошкент ... 96-почта бўлими, Фай... дом кўчаси, 6-уй 13, 28, 36, 43 э, 70- 77-автобуслар, 4, 9, 11-трамвайлар «Оқтепа майдони» бекати.

Тошкент шаҳар ... Икромов районидаги ... ўрта мактаб томонидан **Ахмеджонова Мукаррам Расулжоновна** номига берилган 447... номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент область, Калинин район... 12-ўрта мактаб томонидан **Комилов Маҳмудович** номига берилган 564277 номерли ... ўқув

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-53-... шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

24 АПРЕЛЬ, 1984 й. Р—12214. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12